

---

## Россияда "Саховат" маркази ишга тушди

Россиядаги ўзбекистонлик мухожирларга ёрдам бериш учун «Саховат» маркази ишга тушди  
Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси кўмагида, бир гурух ватандошларимиз "Саховат" ёрдам  
марказини ташкил этди.

■COVID-19 пандемияси сабабли, Россия Федерациясида оғир ҳаёт шароитларига тушиб қолган  
ўзбекистонликлар ва уларнинг оила аъзоларига ёрдам кўрсатиш бўйича тизимли ишларни ташкил  
этиш уларнинг асосий вазифасидир.

????16 апрелдан бошлаб "Саховат" ёрдам маркази саховат.рф портали орқали ва марказнинг  
Facebook саҳифасида ёрдам сўровномаларини қабул қилишни бошлайди.

↗ Бундан сўнг, марказнинг ходимлари Москва ва Москва вилоятида яшовчи муҳтоҷ ўзбекистонлик  
фуқароларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни манзилларига етказиб бериши  
режалаштиришмокда.

Биринчи навбатда, ёрдам аёлларга, карияларга, ногиронлар ва ёш болаларга кўрсатилади.

???? Бундан ташқари, марказ +79167977772 "ишонч телефони" орқали юртдошларимизга бепул  
ахборот-ҳукуқий ёрдам кўрсатади.

???? Сиз ҳам ҳисса қўшмоқчи бўлсангиз: банк пул ўтказмалари (саҳифа бу ерда) орқали Россияда  
бўлган ватандошларимизга ёрдам беришингиз мумкин. Ёки "Саховат" ёрдам марказининг  
волонтёри бўлишингиз мумкин.

2020-04-15 19:28:10